

Исломни қабул қилган аёл



19:10 / 28.12.2018 6281

Исломдек осон тушуниладиган ва кишини жасоратлантирадиган бошқа бир дин мавжуд эмас. Ҳаётда инсон руҳини роҳатга эриштирадиган, инсонга ўз ҳаётидан мамнун ҳолда умр кечиришни эҳсон қиладиган ва ўлгандан сўнг абадий саодатга муваффақ этадиган бирдан-бир дин Исломдир.

Инсон Аллоҳ таоло яратган турли махлуқлардан биридир. Муҳаққақ, бошқа махлуқлар билан орасида бир боғ мавжуддир. Инсон моҳият эътибори билан Аллоҳ таоло яратган махлуқларнинг энг мукаммалидир. Бундай фазилатга сабаб унинг руҳидир. Инсонни руҳи уни доимо янада юксакларга олиб чиқишга интилади-ю, руҳни поклайдиган ва юксалтирадиган бирдан-бир восита эса диндир.

Карлелнинг “Қаҳрамонлар ва қаҳрамонларга сиғинганлар” асаридан: “Инсоннинг дини – унинг қалби иймон келтирган бир хусус, унинг энг ёрқин сифатидир. Дин шундай бир нарсаки, инсоннинг қалбига тўғридан-тўғри кириб боради. Унинг дунёдаги фаолиятини белгилайди. Унинг вазифасини билдиради. Борар йўлини кўрсатади, унинг оқибатини белгилайди”.

Черстоннинг “Ўйлаб кўрилса” китобидан: “Дин бир инсоннинг ўз борлиғида ёки бошқаларнинг борлиғида нималар мавжуд эканлиги ҳақида қўлга киритгани энг олий ҳақиқатнинг ифодасидир”.

Ҳаётда ҳамма бир неча марталаб ўзи билмаган, тушуна олмаган ва изоҳлай олмаган масалаларда юзма-юз келади. Ана шундай масалаларни инсонларга изоҳлаб берадиган, унга иймон кучи ва эътиқод, ишонч бахш этадиган бирдан-бир ҳақиқат, шубҳасиз диндир.

Мен нима учун ислом динини дунёдаги динларнинг энг мукаммали ва ҳақиқиб ишонаман? Буни шундай изоҳлайман:

Авалло Ислом улуғ ва ёлғиз Аллоҳдан бошқа маъбуд йўқлигини, Унинг туғилмаган ва туғилмаслигини ва Унга ўхшаш ҳеч бир яратувчи мавжуд эмаслигини маълум қилади. Аллоҳ таолонинг борлигини, бирлигини ва азаматини фақат Аллоҳ таолога муносиб бир азамат билан ифодалаган бошқа ҳеч бир дин мавжуд эмас. Қуръони каримда Ҳуд сурасининг 4-оятда:

“(Эй қулларим!) қайтишингиз фақат Менгадир. Аллоҳ ҳар нарсага қодирдир”.

Исро сурасининг 55-оятда эса: “Аллоҳ кўклардаги ва ердаги махлуқотларнинг ҳолини энг яхши билгувчидир” дея марҳамат қилинади.

Қуръони каримнинг бошқа барча сураларида доимо Унинг ёлғиз яратувчи эканлигидан, абадий эканлигидан, ҳар нарсанинг Унга маълум эканлиги, энг тўғри ҳукм чиқарадиган ҳоким, энг улуғ мададкор, энг марҳаматли ҳолиқ, энг буюк афв этувчи эканлиги ҳақида сўз юритилади. Буларни ўқиган сайин инсоннинг Аллоҳ таолога қандай яқинлашишини, Унинг қаршисида қандай ожиз қолишини ва Унинг лутфига қандай сиғинишни Сизга таърифлашдан ожизман.

Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло Қуръони каримнинг Ҳадид сураси 57-оятда шундай марҳамат қилади: “Билингки, Аллоҳ ер юзини (қурғоқчилик билан)

Ўлдиргандан сўнг “ёмғир билан) тирилтирур. (Ўлик қалбларни ҳам худди шунингдек зикр ва тиловат билан тирилтиради). Тафаккур қиларсиз, дея буларни очик далиллар билан сизга баён этдик”.

Бу муқаддас сўзларни ўқигандан сўнг инсон ўзининг улуғ Яратувчисига қандай ишонмаслиги ва Унга сиғинмаслиги мумкин? Булар инсон ҳаёти бўйича устида уни муҳофаза этадиган сўнгсиз марҳаматли бир Ҳолиқнинг мавжудлигини ҳис этиб ҳузурида бўлиши ва Ҳақ йўлдан юриши учун наҳотки кифоя қилмайди?

Ислом ўзининг ҳақ дин экани ва ўзидан аввал келган динларнинг ҳамма яхши жиҳатларини мужассам этганини очик-ойдин маълум қилади. Бу ҳақиқатни муқаддам китоб – Қуръони карим ҳам тасдиқлайди. Ҳақиқатда агар Аллоҳ таоло билан бандаси ўртасида мунтазам бир муносабат тузиши, жисмоний ва руҳоний хусусиятларни оҳангли равишда ўзаро бирлаштиришни, дунё ва охирада ҳузур ва ҳаловатда яшашни истасак, муҳаққақ, Ислом динини қабул қилмоғимиз лозим. Фақат ва фақат ислом йўли билан руҳ ва бадан камолотига эришиб бўлади.

Насронийлик эса, фақат руҳият ва виждон масаласи билан машғул бўлиб, бу динга мансуб бўлганларнинг елкасига улар кўтара олмайдиган маънавий ва виждоний масъулиятларини юклайди. Насоро дини инсонни гуноҳкор деб билади ва ундан ақл ва мантиққа мос келмайдиган каффоратлар талаб қилади. Бундан фарқли ўлароқ, ислом дини фақат севгига – Аллоҳ севгисига асосланади. Илм одамлари насроний динига мансуб инсонларнинг турли руҳий ҳолатларини тадқиқ этсалар, уларнинг зиммаларига юклатилган бу оғир масъулиятлар орасида балки Аллоҳ севгисидан бир парчагина топилар. Аммо ана шу бир зарралик севги асарини ҳам сонсиз хурофотлар орасида қандай ғойиб бўлганин кўриб ғамгин бўлишлари муқаррар.

Исломият эса бизга ёлғиз Аллоҳни севиб, Унга ибодат қилишимизни Унинг ризосига интилишимизни, фақат Унга итоатда бўлишимизни, бошқа томондан эса фақат ўз ақлимиз ва мантиқимизни ишга солиб йўл тутишимизни амр этади. Насронийликда бир зарра ҳақиқат қолган бўлса, Исломда ҳар нарса ҳақиқатга асосланади.

Исломият менга ҳақиқат йўлини кўрсатди ва жасорат берди. Дунёда ҳузур ва роҳатда яшамок, охирада эса, саодатга эришмоқ учун мусулмон бўлишдан бошқа йўл йўқдир.

Масъуда Стинман (Англия)